

ДРАМАТИК АСАРЛАРНИНГ ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛИ

Нурислом Искандарович ХУРСАНОВ

тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

nurislomkhursanov92@gmail.com

khursanovnurislom@navoiy-uni.uz

Аннотация

Мақолада драматик асарларнинг дискурсив таҳлили ўзбек ҳамда инглиз драматик асарлари негизида таҳлил этилган бўлиб, хусусан, жаҳон тилшунослигида дискурсив таҳлил ва унинг драматик асарлардаги роли хақида атрофлича фикр мулоҳазалар берилган.

Таянч сўзлар: драма, дискурс, дискурвис таҳлил, мулоқот, лингвистика, матн, функционал тилшунослик, прагматика, социопрагматика.

ДИСКУРСИВНЫЙ АНАЛИЗ ДРАМАТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ

Нурислом Искандарович ХУРСАНОВ

Исследователь

Университет узбекского языка и литературы имени

Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

nurislomkhursanov92@gmail.com

khursanovnurislom@navoiy-uni.uz


Аннотация

В статье приводится дискурсивный анализ драматических произведений на основе узбекских и английских драматических произведений, в частности дискурсивный анализ в мировой лингвистике и его роль в драматических произведениях.

Ключевые слова: драма, дискурс, анализ дискурса, коммуникация, лингвистика, текст, функциональная лингвистика, прагматика, социопрагматика.

Тайёр матн ижодий, коммуникатив жараённинг маҳсулидир, лекин у айни пайтда кейинги коммуникатив ўзаро таъсирнинг манбаи – муаллиф томонидан асарда қўйган барча маъноларни декодлаш ҳаракатидир (драматик асар доирасида юзага келадиган, персонажлар коммуникатив муносабатларга киришадиган нутқдан муаллиф ва ўқувчи/томушабин нутқини чегаралаш зарур).

Замонавий тил назарияси [3; 52-56]



Ўқувчи/томушабиннинг муаллиф билан сұхбати чексиздир, чунки яратилған асар билан қабул унинг ўқувчиси/томушабини ўртасида когнитив фаолияти чексиз бўлиши мумкин, нутқ шунингдек экстралингвистик омилларни (актёрлар томонидан дунёни билиш, қадрият муносабатлари), вақт ўтиши билан муқаррар равишда ўзгариб турадиган ва шунинг учун аклий дискурсив ўзгаришларнинг сабаби ва катализаторидир.

Тилшунослик, хусусан, унинг ўрганиш соҳалари илм-фаннынг бошқа кўпгина тармоқлари билан узвий боғлиқлиги ва ушбу соҳалар ривожланиш ва тараққий этиши билан уларни лисоний жиҳатдан бошқа тиллар билан қиёслаш ва тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келади. Кўплаб тадқиқотлар "матн" ва "мулоқот" тушунчалари билан боғлиқ муаммоларни ёритишга қаратилган бўлиб, уларга кўплаб таърифлар берилган [3]. Шунингдек, матнни семиотик нуқтаи назардан [4], функционал тилшунослик, прагматика [3], психолингвистика, дискурс [4] ҳамда семантик ва когнитив [2] жиҳатдан ўзбек ва жаҳон тилшунос олимлари кўплаб натижаларга эришишган.

Д.Сиффрин *Дискурс белгилари* (Discourse Markers) деб номланган тадқиқотида ҳар қандай ўзаро таъсир контекстда содир бўлишини таъкидлайди. Ушбу таърифдан келиб чиқиб М.Манолиу (2016) контекст тушунчасини ҳар қандай ўзаро таъсирда бир-бирига мос келадиган учта

тоифага бўлиш мумкин деган фикрни илгари суради ва қуидагиларни келтиради:

- жисмоний контекст ўзаро таъсир содир бўлган муҳитни англатади – уйда, ишда, жамоат жойида. Оғзаки нутқ одатда юзма-юз сухбатларда юзага келади, масалан, маъruzachi va tингловчи бир хил жисмоний контекстни баҳам кўради;
- шахсий контекст ўзаро алоқада бўлган одамлар/белгиларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатларини англатади. Шахсий контекст гурухга аъзоликни, маъruzachiлар ва тингловчиларнинг ижтимоий ва институционал ролларини, шунингдек, иштирокчиларга тегишли бўлган нисбий мақом ва ижтимоий масофани ўз ичига олади;
- когнитив контекст улар тегишли бўлган муҳитни ва ўзаро таъсир иштирокчилари томонидан баҳам кўрган билимларни англатади. Когнитив контекст, эҳтимол, ўзаро таъсир ривожланиб бориши билан ўзгаради, ўтмишдаги тажрибалар, маданий билимлар ва маъruzachininинг дунё қарашига тааллуклидир [7; 1].

Драмалар барча миллатлар ва халқлар адабиётида мавжуд бўлиб, ўзига хослиги билан адабиётнинг бошқа жанрларидан ажралиб туради. Чунончи драмаларнинг таҳлил усуллари уларнинг қайси лингвистик жиҳатидан олиб қаралмасин бир-бирига ўхшаш ва узвий боғлиқ таҳлил усуллари билан олиб борилади. Лингвистик таҳлил ва тадқиқ усуллар хилма-хил бўлиб улар вазифасига кўра тадқиқ қилинаётган мавзу юзасидан танланади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги асарларини, хусусан, драмаларни тадқиқ қилиш учун энг аввало бир-бирига замон ва жанр мутоносиблигига асар танланиши мақсадга мувофиқдир.

Тилшунос Клаире Крамсч (1993) ўқитишида контекстнинг муҳимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, агар коммуникатив фаолият нафақат ижтимоий таъминот эҳтиёжларини қондириш, балки ижтимоий ва таълим ўзгаришларини келтириб чиқариши мумкин бўлса, биз ўзаро таъсир контекстининг параметрларини аниқ ўзгартериш усулларини излашимиз

керак [8; 94]. Қуйидаги мисолда мулоқот вақтида сўзлашувчилар фикрларини бир-бирларининг жавобларига кўра шакллантириб боришади.

Нигора: Тўй билан бўлиб, ўн кундан бери зарядка қиломадим. Белларим қотиб, ланж бўлиб кетяпман.

Фармон биби: Бу нима, ажинами? Ҳой, тўхта! тўхта, дейман!

Нигора: Ҳозир, ҳозир, ойижон. Яна беш минут зарядка қилай.

Фармон биби (*ерга ўтириб олади*): Войдод! Уйимга ажина келди.

Уйимдан фаришта қочди.

- Қанақа балога гирифтор бўлдим.

Ҳаким: Бошланди. Нима гап? Тинчликми? Ўғри тушиптими?

Фармон биби (*ўтириб олганича*): Анавуни қаранглар, анавуни!

- Эри қани, эри ўлгур қани? Чакиринглар.

Ўринбой: Тўхтавой, ҳой Тўхтавой. Турмайсанми, ука. Ҳовли қиёмат бўлиб кетди-ку.

Фармон биби: Ғафлат босиб ётмай ўл! Хотининг қўйнингдан чиқиб кетса билмасанг, ҳовлида қиёмат қўпса билмасанг [1; 2].

Нутқнинг қандай ташкил этилишини тушунтиришнинг турли усуллари мавжуд, аммо барча ёндашувлар нутқни ўрганишда контекстнинг аҳамиятини ҳисобга олиши керак. Ёндашувлардан бири нутқнинг қандай тузилганлиги, уни ташкил этишнинг *структуравий* усули ва таркибий қисмларнинг бир-бирига боғланганлигига эътибор қаратишидир. Сабаби структуравий таҳлил усулида оғзаки нутқ алмашинув элементларига жавоблар қандай шаклланганлигини тушунтиришга йўналтирилган бўлади. Масалан, *саволлар жавобларни акс эттиради, баёнотлар тасдиқлашларни акс эттиради, миннатдорчиликлар акс эттирилади, талаблар реакцияларни акс эттиради* [7; 94].

Тўхта: Нигорахон, мен сизга нима деган эдим? Ойим сал қаттиқроқлар демаганимидим. Шу ўлгур гимнастикани уйда қилсангиз бўлмасмиди?

Нигора: Бунчалик эканликларини қаердан билибман?

Тұхта: Ўзингиз үйлаб күринг. Ахир қайнона олдига келин деган яланғоч чиқадими?

Нигора: Нега яланғоч бўларканман? Мана булар нима? (*Майкатрусиқларини кўрсатади.*) Ахир телевизорда ҳам шунақа чиқаман-ку.

Тұхта: Телевизор бошқа, ойим бошқа [1; 3].

Берилган мисолдан кўриниб турибдики драма қаҳрамонлари нутқлари савол-жавоб тарзида берилган бўлиб бу билан асар қаҳрамонлари ўзларининг талабларини ҳам намоён этишмоқда.

Яна бир усул, нутқни *стратегия* нуқтаи назаридан ўрганиш бўлиб, бунда асосий эътибор маъruzachi (сўзловчи)ларнинг дискурсив кетма-кетликнинг муайян дақиқаларида турли интерактив тактикалардан қандай фойдаланишига қаратилади. Қуйидаги мисолда бизда бир хил тузилишга эга учта нутқ тури мавжуд:

- 1. Деразани очинг.** (*Бошқа киши деразани очади*)
- 2. Деразани очасизми? Илтимос.** (*Бошқа киши деразани очади*)
- 3. Ичкари исиб кетди.** (*Бошқа киши деразани очади*). (*Симпсон, 1997*).

Кўринадики хар учала вербал нутқ алмашинуvida биз талаб (*сўров*) ва унинг жавоби (*тингловчининг реакцияси*)ни кузатамиз. Мисол учун, 1-мисол бевосита бирон бир муаян шахсга қаратилган ҳамда хушмуомилалик билан кўйилган. 2-мисол биринчидан фарқли равишда тўғридан-тўғри бир аниқ кишига қаратилган бўлиб бу ерда ҳам нутқ вазияти *илтимос* сўзи билан бироз юмшатилган таълабни кўриш мумкин. 3-мисол юқоридаги икки гапдан кўра билвосита ҳеч қандай шахсга қаратилмаган бўлиб биз бу ерда прагматик сўз ўйинини кузатишимиз мумкин. Яъни, 3-мисолда деразага, эшикга ёки ҳаво совутгичга яқин турган шахс ўзига бўлган билвосита мурожаатни тушиниши ва реакция билдирилиши кутилади. Нутқнинг учта шакли ҳам грамматик жиҳатдан – буйруқ гаплар бўлиб, имло ва тиниш белгилари ёрдамида белгиланади.

- 1. Қўчкор:** ... Қумри деяпман, жаҳлим чиқса нима бўлишини биласан-а? Яхшиликча бўшат! ...

2. Қўчқор: ... Ие, бир бало бўлганми бунга? ... Охирги мarta айтаяпман, агар югириб келиб қўлимни бўшатмасанг ...

3. Қўчқор: ... Ие! Бепатта кетавераман, де? (*Жавоб ололмагач.*) Ҳеч бўлмаса, битта қўлимни бўшатиб қўй, номард! ... (Ш.Бошбеков. Темир хотин.)

Келтирилган мисоллар ўзбек адабиётинг ёрқин адибларидан бири Ш.Бошбековнинг “Темир хотин” (1989) драмасидан олинди. 1-мисолда сўзловчининг нутқида дағдаға ва пўписани кўриш мумкин. Бундай сўзлашув оҳангида иккинчи шахс томонидан қарши ҳаракат (реакция) қандай бўлишига қараб воқеалар ривожи ўзгариши мумкин. П.Симпсон (1997), сўзловчилар гапирганда, улар нутқни навбатма-навбат эгаллайди ва нутқ алмасиб турганда ҳам бу жараён давом этади, деб ҳисоблайди. Юқоридаги биринчи келтирилган учта мисолдан фарқли равища биз нутқнинг бевосита айнан бир кишига қаратилганлигини кейинги мисолларда кўришимиз мумкин. Келтирилган иккинчи гапда сўзловчининг нутқ оҳангида худди биринчи гапдагидек буйруқ билиниб турибди. Аммо Симпсоннинг қайд этишича сўзловчилар нутқининг кетма-кет (сўзловчиларнинг навбатма-навбат, диалог кўринишидаги) мулоқотининг *навбатларни тақсимлаш компоненти* (*turn-allocational component*, Симпсон) тартибга солинди. Умуман олганда, навбатни ўзгартириш муаммосиз давом этади: бир иштирокчи сўзлайди, тўхтайди, кейинги иштирокчи сўзлайди, тўхтайди ва ҳоказо, шунга қарамасда нутқ навбат алмасилаётган вақтда зиддият содир бўлиши ҳам мумкин, бу ўтиш даврининг тегишли жойи деб аталади.

Учинчи мисолда “... Ҳеч бўлмаса, битта қўлимни бўшатиб қўй, номард! ...” келтирилган жумлада сўзловчининг бирмунча мулојим равища илтимосини қузатиш мумкин. Бу юқорида келтирилган *когнитив контекст*га мисол бўлиши мумкин. Ушбу тоифага кириши мумкин бўлган нутқда сўзловчининг диалог шаклланиши билан мурожаат майли ўзгариши қузатилади.

Тилшунос Л.Раупова дискурс ва унинг социопрагматик жиҳатлари, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ижтимоий жиҳатлар ҳақида бир мунча асосли ва муҳим фикрларни келтириб ўтади. Жумладан муаллиф диалогик дискурс ва ундаги полипридикатив бирликлар ҳақида шундай дейди: “Диалогик дискурсда воқеланадиган полипридикатив бирликлар ижтимоий ихтисослашувига қўра ранг-баранг, ўзбек эркак ва аёлларининг нутқий мулоқоти ўзига хос тарзда улар характер-хусисиятини ифодалашга хизмат қиласди. Адресат савияси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши кабилар нутқий ҳолатининг прагматик омили сифатида рўёбга чиқишини такидлайди” [6; 9].

- “*Don't you believe you're a good woman?" she'd ask them. Most of them thought they were.* (Яхши аёлигинингизга ишонмайсизми? У сўради. Улардан кўчилиги яхши бўлганликлари ҳақида ўйлади.)
- “*And isn't your baby beautiful?" Most of them thought their babies were.* (“Болачангиз бирам ёқимтой, шундай эмасми?” Ўтирганлардан кўпчилиги шудай деб ҳаёл қилди.)
- “*And the father? What was he like?" A bum, many thought. A swine, a lout, a liar—a no-good run-out fuck-around of a man! But he's dead! sobbed a few.* (“Отасичи? У кимга ўхшайди?” Жимлик, кўгина хаёллар ўтди. Чўчқа, безори, ёлғончи – бу одамнинг атрофидаги тинчлик билан юриб бўлмайди! Аммо у ўлган! Баъзилар йиғлаб юборишиди.)
- “*Then you're better off, aren't you?" Jenny asked [9; 17].* (Демак сизда муаммолар йўқ, шундай эмасми?)

Мулоқотдан мақсад ахборот олиш ёки узатишdir [6], юқорида келтирилган диалог кўринишидаги мулоқот шахсий контекст тоифасига мисол бўлиб унда мулоқот олиб бораётган кишиларнинг бир-бирига яқинлиги, улар орасидаги қизиқишлиар юзага келади ва баъзан ушбу тоифа бошқа келтирилган тоифалар билан узвий боғликлигини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, матнни, хусусан, драматик матнни таҳлил қилиш, уни бошқа тилларда яратилган асарлар билан қиёслаш

изланувчига ҳар иккала тилда нафақат тил кўнималарини балки, бошқа тилнинг маданиятига ҳам мос бўлиши кераклигини кўрсатар экан. Келтирилган мисоллар ўзбек драматургиясининг олтин асарларидан бўлган “Темир хотин” ҳамда “Келинлар қўзғолони” драмалари ҳамда инглиз асарларидан мисоллар олинди. Ушбу мисолларнинг дискурсив, прагматик, социопрагматик жиҳатлари таҳлил қилинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳмад, Сайд. Келинлар қўзғолони. www.ziyouz.com
2. Бурлакова В.В. Дейктические категории в тексте // Предложение и текст: семантика, прагматика и синтаксис. – Ленинград: ЛГУ, 1988. – С.85-88.
3. Голованева М.А. Драматический текст и драматический дискурс: коммуникативно-когнитивное сопряжение категорий. – Воронеж: Известия ВГПУ, 2010. – С. 52-56.
4. Сусов И.П. Семиотика и лингвистическая прагматика. В книг. Язык, дискурс и личность. – Тверь: Тверский гос.унв., 1990. – С. 125-133.
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 320 б.
6. Раупова Л.Р. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликарнинг социопрагматик тадқиқи: Филол.фан.докт.дисс.автореф. – Тошкент: – 2012. – 75 б.
7. Marius Narcis Manoliu. The Dramatic Discourse. International Journal of Communication Research. 299.4 IJCR. 2016 03. p. 1.
8. Kramsch, C. (1993) Context and Culture in Language Teaching, Oxford: Oxford University Press, p. 94.
9. J. Erving. The World According to Garp. 30th Anneverry Edition. Vintage Canada Edition, 2000. P. 17.

- 10.Khursanov, N. I. (2021). On the Theoretical and Practical Foundations of Language Corpora. ISSN: 2278-4853 Vol 10, Issue 9, September, 2021, pp.311-318. DOI:10.5958/2278- 4853.2021.00675.3
- 11.Khursanov, N. I. (2021). Linguo-cognitive Analysis of the Verbs of Behavior Expressing Human Personality (Behavior) (On The Basis of Uzbek and English Languages Materials). Current research journal of philological sciences 2(5): 85-90, May 2021 DOI: <https://doi.org/10.37547/philological-crjps-02- 05-19> ISSN 2767-3758.